

Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 854-ҳадис

854 - وَعَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّهُ سَمِعَ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «إِذَا رَأَى أَحَدُكُمْ رُؤْيَا يُحِبُّهَا فَإِنَّمَا هِيَ مِنَ اللَّهِ، فَلْيَحْمَدِ اللَّهَ عَلَيْهَا، وَلْيُحَدِّثْ بِهَا - وَفِي رِوَايَةٍ: فَلَا يُحَدِّثُ بِهَا إِلَّا مَنْ يُحِبُّ - وَإِذَا رَأَى غَيْرَ ذَلِكَ مِمَّا يَكْرَهُ فَإِنَّمَا هِيَ مِنَ الشَّيْطَانِ، فَلْيَسْتَعِذْ مِنْ شَرِّهَا، وَلَا يَنْكُرْهَا لِأَحَدٍ؛ فَإِنَّهَا لَا تَضُرُّهُ». مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ [خ 6985، م 2261/4].

854. Абу Саид ал-Худрий розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг шундай деганларини эшитганман:
«Бирортангиз ўзи ёқтирган тушни кўрса, у фақат Аллоҳдандир, бунинг учун Аллоҳга ҳамд айтсин ва уни айтиб бераверсин.

(Бошқа ривоятда: «**Яхши кўрган кишига сўзлайверсин**»).

Агар ундан бошқа, ўзи ёқтирмаган тушни кўрса, у шайтондандир. Шунинг учун унинг ёмонлигидан паноҳ сўрасин ва уни ҳеч кимга айтмасин, шунда унга зарар қилмайди».

Муттафақун алайҳ.

Шарҳ: Туш инсон тақдирини белгиламайди. Бунинг ҳаётий мисол орқали кўриш мумкин. Яхши ва эзгу ишлар қилувчи қалбида кири йўқ инсон баъзан тушида ёмон, хунук манзаралар, қўрқинчли воқеа ва ҳодисаларни кўриши мумкин. Бу ўша инсоннинг ҳаёти, турмуш тарзи ёмон экани ёки оқибати нохуш бўлишидан дарак берайди. Бунда у ёмон тушдан паноҳ сўраши талаб этилади. Бунинг акси ўлароқ, баъзи ҳолларда ёмон ва разил кишилар ҳам яхши, ёқимли тушлар кўриши мумкин. Бу ўша инсоннинг оқибати яхши бўлишига далолат қилмайди. Демак, яхши одамнинг нохуш туш кўриши унинг ёмонлигига далолат қилмайди.

Тушга ортиқча баҳо бериб, уни ҳаёт мезонига айлантириш, ҳар сафар туш кўрганда фолбин ва кинначилар ҳузурига чопиб боравериш ақлли, ўзини билган онгли инсонга ярашмайди. Биз динимиз кўрсатмаларига оғишмай амал қилсак, ҳам моддий, ҳам руҳий тарафдан соғлом, иродамиз мустаҳкам

бўлади.

Қуръонда зикр қилинганидек, тушларни таъбир қилиш жоиз. Лекин тушни ҳар қандай инсон таъбир қилавериши мумкин эмас. Таъбир қилиш учун Қуръони карим ва Суннати Набавийнинг таълимини олган бўлиши ҳамда шулар асосида таъбир қилиши шарт бўлади.

Тобеъинларнинг орасида тушларни оят ва ҳадислар асосида таъбир қилувчи машҳур кишилар бўлганлар. Ибн Сийрин раҳматуллоҳи алайҳ бу борада уларнинг пешвоси ҳисобналади.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI